

## ҚАРДОШ ШАҲАРЛАР – ЎЗАРО МЕҲМОНДЎСТЛИК ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Н.Холмирзаев

ТДТУ Қўқон филиали “Ижтимоий ва аниқ фанлар” кафедраси мудири, Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7024344>

**Аннотация.** Мақолада шаҳарлар ўртасида қардошлик муносабатларининг ўрнатилиши мамлакатларнинг минтақавий даражасида ўрнатилган дипломатик алоқалари, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қардош шаҳарларнинг ўзаро манбаатли ҳамкорлик алоқалари хусусида, шунингдек ўзаро меҳмондўстлик алоқалари ҳақида фикр юритилади.

**Калим сўзлар:** миллатлар ҳамдўстлиги, манбаатли ҳамкорлик, меҳмондўстлик анъаналари, ривожланиши.

## РОДСТВЕННЫЕ ГОРОДА – ФАКТОР ВЗАЙМОГНОГО ГОСТЕПРИИМСТВА И ЭФФЕКТИВНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

**Аннотация.** В статье рассматривается установление родственных отношений между городами, установление дипломатических отношений на региональном уровне, укрепление взаимного сотрудничества, взаимовыгодное сотрудничество между родственными городами, а также отношения взаимного гостеприимства.

**Ключевые слова:** содружество наций, взаимовыгодное сотрудничество, традиции гостеприимства, развитие.

## RELATIVE CITIES ARE A FACTOR OF MUTUAL HOSPITALITY AND EFFECTIVE COOPERATION

**Abstract.** The article discusses the establishment of kinship relations between cities, the establishment of diplomatic relations at the regional level, the strengthening of mutual cooperation, mutually beneficial cooperation between related cities, as well as the relationship of mutual hospitality.

**Keywords:** commonwealth of nations, mutually beneficial cooperation, hospitality traditions, development.

### КИРИШ

Дунёнинг турли мамлакатлари ҳар хил катта-кичик шаҳарларга эга. Уларни айримларида ўзига хос умумийликлар мавжудки, шу туфайли бу шаҳарлар ўзаро ҳамкорликни амалга оширадилар. Жумладан Тошкент шаҳри бугунги кунга қадар 8 шаҳар билан биродарлашган, 14 шаҳар билан эса стратегик ҳамкорлик ўрнатган. Самарқанд шаҳри 15 та Бухоро шаҳри 5 та шаҳар билан қардошлик алоқаларига эга. Апрель ойининг сўнгти якшанбасида Бутунжаҳон қардош шаҳарлар куни нишонланади.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шаҳарлар ўртасида қардошлик муносабатларини ўрнатиш анъанаси дастлаб иккинчи жаҳон уруши пайтида пайдо бўлган. 1942 йилда Британиянинг бомбардимон натижасида бутунлай вайронага айланган Ковентри шаҳри аҳолиси жанговар руҳдаги Сталинград аҳолисига ҳамдардлик изхор қилишади — инглизлар Сталинградга далда берувчи сўзлар битилган телеграмма юборишади. 1943 йилда Ковентри аҳолиси сталинградликлар учун рамзий совға — 830 нафар инсоннинг имзоси туширилган

дастурхон тайёрлайдилар: бунда ҳар бир имзо ўз эгасининг сталинградликлар учун тиббий ёрдам фондига қўшган ҳиссасини билдирган. 1944 йилда эса мазкур икки шаҳар қардош шаҳарларга айланади.

Кейинчалик мазкур анъана дунёning бошқа минтақаларида ҳам кенг тарқалди, 1957 йилга келиб эса қардош шаҳарлар вакиллари томонидан Бутунжаҳон қардош шаҳарлар федерациясига асос солинди. 2004 йилда ташкилот ўз фаолиятини тўхтатди ва нисбатан йирик ташкилот — «Бирлашган шаҳарлар ва маҳаллий ҳокимиятлар» бирлашмаси таркибиға қўшилди. 1963 йилдан бери апрель ойининг охирги якшанбаси Бутунжаҳон қардош шаҳарлар куни сифатида нишонлаб келинади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўзбекистон шаҳарлари дунёning турли минтақалари билан қардошлиқ алоқаларининг бой тарихига эга. Тошкентнинг 1973 йилда Сиэтл шахри билан ўрнатган қардошлиқ муносабатлари одатда ушбу сериядаги воқеаларнинг энг биринчиси ҳисобланади. Бироқ 1972–1985 йилларда Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси сифатида фаолият юритган Воҳид Козимовнинг хотирлашича, 60-йилларнинг ўрталарида Тошкент Скопье билан қардошлиқ алоқаларини йўлга қўйган. 1963 йилда Македония пойтахти (2019 йилдан — Шимолий Македония) зилзила натижасида жиддий зарар кўрган, 1966 йилда эса шаҳар айнан шундай вазиятни бошдан кечирган Тошкентга ҳамдардлик билдирган. Фожеали тажрибалар билан боғлиқ умумийлик аксарият ҳолларда қардошлиқ муносабатларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади — бу ҳар икки томон учун рамзий қўллаб-куватлаш ҳаракати ҳисобланади.

Воҳид Козимовнинг 1973 йилда Тошкент ва Сиэтл ўртасида ўрнатилган қардошлиқ муносабатларига бағишлиланган «Ҳаёт маъноси» китобидан парча: «Сиэтл билан муносабатларимиз яхшиланди ва биз у ерда „Тошкент“ номли истироҳат боғи ташкил этдик. Тошкентда „Сиэтл“ истироҳат боғини ташкил қилдик. Сиэтл шарафига айни шу номдаги дўкон ҳам очилди. Бу халқона дипломатия катта аҳамиятга эга. Мамлакатларнинг олий раҳбариятини бир четга суриб турайлиқ, уларнинг асосий мақсади — халқларни яқинлаштиришdir. Эсимда, Америкадан бир қиз келган, таниқли ракқосамиз Қизлархон Дўстмуҳамедова унга миллий рақслардан сабоқ берган эди. Биз унга рақс либослари тўпламини тухфа қилганмиз. Ватанига қайтгач, у даф садолари остида ўзбек миллий либосида ўзбек рақси концертини уюштирган».

Амалда бу мавзулаштирилган фотокўргазмалар сингари тадбирларни ташкил этишини англатади. Масалан, айнан шундай тадбир Тошкент ва Шанхай ўртасидаги қардошлиқ муносабатларининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган эди. Одатда шаҳарлар бир-бирларини муҳим саналар билан қутлайдилар — Ашхободнинг 140 йиллиги муносабати билан Туркманистон пойтахтига табрик йўллаган ҳолда Тошкентда қўшиклар куйланган ва рақслар ижро этилган.

Анъаналарга ҳурмат кўрсатиш ўзаро одат тусига кирган: масалан, Сиэтлда Наврӯз байрамини нишонлашган. Шунингдек, қардош жуфтликлар орасида таниқли миллий арбобларга ёдгорлик ўрнатиш ва мавзулаштирилган номлар бериш ҳам кенг тарқалган — масалан, Анқара мери шаҳардаги 34 та кўча номлари Ўзбекистон билан боғлиқ эканлиги хусусида ҳикоя қилган эди.

Ўзаро рамзий эътирофлар алмашинуидан ташқари, ҳамкорликнинг реал воқеликдаги натижаларини пайқаш унчалик осон эмас, бироқ улар мавжуд. Масалан, 2019

йилда Тошкент ва Минск ўртасида қардошлик муносабатлари ўрнатилиши вактида Ўзбекистон делегацияси Минскда технопаркка ташриф буюрган. 2022 йилда Тошкентдаги ИТ-парк директори ўринбосари Баходир Юсупов парк (айнан 2019 йилда очилган) кўп жиҳатдан Беларусь тажрибаси асосида барпо этилганини таъкидлаган. Эҳтимол, бунда Тошкент шаҳар раҳбариятининг Минскка ташрифи ҳам муҳим рол ўйнагандир.

Бундан ташқари, қардошлик алоқалари бизнесни жалб қилишга қаратилган бўлиши мумкинлигига қатор мисоллар мавжуд. Хусусан, Кўқон ва Пхончхон ўртасида келишув имзоланаётган вактда Фарғона вилояти делегацияси Кореянинг йирик компаниялари билан шартномалар тузишга муваффақ бўлган. Бу эса ўз навбатида бизнес билан бирга туристик имкониятларни ҳам очиб берган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг турли вилоятлари етарлича кўп қардошлик алоқаларига эга. Скопье ва Тошкент мисолида бўлгани сингари, фожеали тажрибалар билан боғлиқ умумийликка қўшимча равишда, қардош шаҳарларнинг пайдо бўлишига шаҳарларнинг ихтисослашуви ёки мақоми ҳам асос бўлиши мумкин. Жумладан, 2004–2010 йилларда Испания ташқи ишлар вазири Мигел-Анхел Моратинос қардош шаҳарлар Бухоро ва Кордова тенг даражадаги улуғворлик ва қадимилик жозибасига эга эканини — улар ўртасида узоқ тарихий ришталар мавжудлигини ва аҳолиси меҳмондўст эканлигини қайд этган эди.

## МУХОКАМА

Меҳмондўстлик хусусиятининг муайян халқда ривожланиши ўша халқнинг ўтмиши, тарихи билан боғлиқ. Савдо билан кўпроқ шуғулланган халқларда бу хусусият юқорироқ даражада ривожланган. Масалан, Буюк ипак йўлида жойлашган халқларда, жумладан, ўзбекларда бу хусусият азалдан юксак даражада ривожланиб, сайқал топиб келмоқда. Мамлакатимизда меҳмондўстлик анъаналарини ривожлантириш орқали туристларда ўзбек халқининг меҳмондўстлиги тўғрисида ижобий таассурот қолдирилишига ҳамда халқаро туристик оқим кўпайишига сабаб бўлади. Меҳмондўстлик – маънавий фазилат сифатида меҳмоннавозлик, меҳмон кутишни одатга айлантиришини ифодалайдиган тушунча. Меҳмондўстлик барча миллатларга ва элатларга хос. Бироқ, бу хусусият турли миллатларда турлича намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- Минтақаларда меҳмондўстлик анъаналарини ривожлантириш орқали хориж давлатлари туристларининг қарашида «ўзбек халқи» имижини янада шакллантиришга эришилади;
  - Мамлакатимизга хориж давлатларидан туристлар оқими кўпаяди;
  - Туристларга хизмат кўрсатувчи туристик инфратузилма шаклланади;
  - Мамлакатимизга ташриф буюрган кўп сонли туристларга туристик тадбиркорлар томонидан хизматлар таклифи ортиб боради;
  - Ҳудудларда янги иш ўринларининг сони ортиб боради ва маҳаллий аҳоли, айниқса, оиласалар иш билан банд бўлади;
  - Туристлар оқимининг кўпайиши натижасида ҳудудларда туристик тадбиркорлик фаолияти авж олади;
  - Туризм соҳасида фаолият олиб борувчи ходимлар шакллантирилади;
- Пировардида меҳмондўстлик анъаналарини ривожлантириш орқали ички ва халқаро туристлар оқими кўпаяди, туристик онг янада ривожланади, аҳолининг турмуш

фаровонлиги яхшиланади. Бу орқали минтақаларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салоҳияти кенгайиб боради, инфратузилмаси яхши бўлган ҳудудларда доимо ижтимоий-иқтисодий барқарорлик бўлади.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон шаҳарлари «қардошларининг» рўйхатини тузиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Қайд этиш жоизки, рўйхатни тузиш тамойили оддий: қайси тарафдан бўлмасин, бирор мансабдор шахс камидан бир марта бирор шаҳарни қардош шаҳар сифатида эътироф этган бўлса, шаҳар шу рўйхатдан жой олиши ақлга мувофиқдир.

Бундай дўстона алоқалар фақатгина туғилган кун табриклари ва расмий делегацияларнинг ўзаро ташрифлари билан чекланиб қолмай, реал воқеликда сезиларли натижаларга олиб келса мақсадга мувофиқ бўларди — бу борада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз шаҳарларининг қардошлик алоқаларига эга шаҳарлар билан улар ҳали амалга оширилмаган имкониятлар талайгина. Ўз навбатида, шаҳарларимиз томонидан ҳам ўз тажрибасини баҳам кўриш юзасидан таклифлар шакллантирилиши мумкин.

## REFERENCES

1. Холмирзаев Н.Н. Урбанизация тараққиёт ривожидание кимё саноати омили. Экономика и социум, 2021- elibrary.ru №-11-2, 625-627 <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=47780854>
2. Холмирзаев Н.Н.1 Ключевые черты и факторы современной урбанизации. Экономика и социум, 2021- elibrary.ru №-1-2, 652-653 <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=45593716>
3. ГАНИЕВ, Б., & Ганиева, М. С. (2019). Религиозно-исламские и духовные корни предпринимательской деятельности в Средней Азии. In *ИДЕАЛЫ И ЦЕННОСТИ ИСЛАМА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ XXI ВЕКА* (pp. 332-335).
4. Ganieva, M. S. (2021). IN THE SOCIETY OF WOMEN–GIRLS INNOVATION-THE SOCIO-PHILOSOPHICAL ESSENCE OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY. *Scientific progress*, 2(8), 947-951.